Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 172 (3673)
31 ДУШАНБА
ИЮЛЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 нюлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Социалистик мусобақа ғолибларига тенглашайлик

БЕШ ЙИЛЛИКНИ БАЖАРГАНЛАР

Вера Максимовна Балина дастлабки муваффақиятни баҳорда қўлга киритган эди. Ўшанда у «Ташсельмаш» заводининг вакили Зинаида Павловна Зотова билан мусобақада ғолиб чиққан эди. Аммо у бу билан чегараланган йўқ. Олдинда ҳали улкан марра турарди. У ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятида бир беш йилликда икки беш йилликни бажараман, деб ёзиб қўйган.

Галина Тошкент трактор заводининг 18-цехида резьба йўнувчи бўлиб ишлайди. Цехда қийинчиликлар бўлиб туради. Масалан, цех ходимларининг айби билан заготовкалар вақтида етказиб берилмайдиган ҳоллар ҳам бўлади. Вера Максимовна цех комитетининг аъзоси сифатида ишлаб чиқариш маромининг ҳар қандай бузилишига қарши курашади. Қолоқлардан ўз ёрдамини ҳеч аямайди. Жумладан, унинг ёрдами туфайли ёш нинчилардан Вера Зубко ва Тамара Соловьёва ўз малакаларини оширишга муваффақ бўлишди.

Коммунистик меҳнат зарбдори В. Балинага доим биринчи класс аниқликни тақозо этувчи деталларни тайёрлаш топширилади. Бундай деталларни тайёрлашда ҳатто микронларгача ҳисобга тўғри келади. У йил бошидан бери браксиз ишлайди. Буни у нинчиларнинг асосий резерви деб билади. У тайёрлаган аъло сифатли маҳсулотлар бевосита трактор йиғиладиган бош конвейерга етказиб берилади.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ўтаётган кунларда Вера Максимовна шахсий беш йиллигини адо этди.

Ю. Игумнов фотоси.



СТАНДАРТ ТАЛАБИГА РИОЯ ҚИЛИБ

«Уртоқ» кондитер фабрикаси коллективи йил бошидан бери 16,783 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб етти ойлик учун белгиланган давлат топшириғини муддатидан илгари бажарди. Бу маҳсулотнинг 35 процентини Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари ўтган даврда меҳнат унимдорлигини ошириш, материал ва маблағларни тежаш бўйича ҳам дурустгина ютуқлар қўлга киритилди.

Фабрикада юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашда карамель участкасининг ишчилари Ж. Бузрукхонова, В. Маҳкамова, Р. Абдуллаева кўпчиликка намуна бўлишяпти. Бу ишчилар ишлаб чиқариш технологиясини пухта билишади, стандарт талабларига қатъий риоя қилишади. Корхона маъмурияти уларнинг тажрибасини коллективда кенг ёйишга катта эътибор бермоқда.

Ўн кун аввал

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи СССР Конституциясининг бир йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича етти ойлик топшириқни муддатидан ўн кун аввал бажарди. Йил бошидан бери савдо тармоқларига 28 миллион сўмлик буюм чиқарилди. Ўтган ойларда коллектив меҳнат унумдорлигини ўстириш, буюмлар сифатини яхшилаш, материал ва маблағларни тежаш бўйича ҳам дурустгина ютуқларни қўлга киритдилар.

Коллективдаги ишчилар ўртасидаги шахсий меҳнат беллашувида дазмолловчи П. Абдурақмонова, тикувчилар А. Ким, С. Белоглазова, В. Кайкова смена топшириқларини мунтазам бир ярим-икки баравар ортиғи билан адо этиб, кўпчиликка намуна бўлишяпти.

ҚУТБГА ПАРВОЗ

Тонги репортаж

Тошкент аэропортидан кўтарилган Ил—76 реактив юк ташиш лайнери Шимолий Қутбдаги Норильск томон парвоз қилди. Самолёт бортига шаҳар меҳнаткашлари учун аталган 40 тонна мева ва сабзавот ортилган.

Норильскликлар ўзларининг кейинги ёзган мактублари билан мени ғоятда қувонтиришди. «Тошкент меваларини баҳам кўрямиз,— деб қувонч билан хабар қилишибди улар, —ластурхонимизда ўзбек олмаси, олхўриси, помидордан қилинган салати пайдо бўлди. Беҳад мамнунмиз...»

Шундай қилиб Норильскка Тошкент помидориси етиб боряпти. Фақатгина самолёт билан парвоз қилиб етиб бориш мумкин бўлган Узоқ Қутбдаги кишиларнинг хонадонига бизнинг далаларимизда етиштирилган бундай нозу-неъматлар қандай етказиб берилмоқда.

Пўлат қанотли қушларнинг парвози туфайли Узоқ Шимол, Узоқ Шарқ, Камчатка ва бошқа манзилларга серқуёш Ўзбекистоннинг янги узилган сабзавот ва мевалари етиб бормоқда. Тошкент аэропортининг почта-юк ташиш хизматида бўлганимизда ана шу ишларнинг қандай йўлга қўйилганлиги билан яқиндан танишдик. Саховатли ўлкамизнинг далалари ва боғларида етиштирилган мевачевалар узоқдаги шаҳарларга узлуксиз жўнатилмоқда.

— Марҳамат қилинг,— деб мени дастурхонга таклиф қилди почта-юк ташиш хизматининг бошлиғи Ефим Семёнович Петрусенко. дастурхондаги вазаларга уйиб қўйилган оппоқ олмаларга ишора қилиб. Бундан бир соат олдин шаҳар атрофидаги Дўрмон хўжалигининг олма ва помидорлари ортилган бир неча юк машиналарининг навбатдаги карвони келди. Юкларни дарров қабул қилиб олдик ва махсус олти тоннали аравачаларга жойладик. Яқин дақиқаларда ана шу мева-чеваларни самолётга ортамиз. Шу кунининг ўзида Норильск магазинларининг пештахталарида пайдо бўладиган оқ олмаларнинг мазасини тотиб кўрдик. Петрусенконинг ҳикоясини тинглаш ҳам марокли бўлди:

— Сибирь. Узоқ Шарқ районларининг механизациялашган сабзавот ва меволарни ташиб беришни ўлкамиз далаларининг эртаги ҳосили пайдо бўлган кундан—апрелда бошладик. Бугунги кунгача тўрт минг рейслар бўйлаб 2 минг тоннадан зиёд маҳсулот юборилди. Самолётларимиз парвоз қиладиган манзиллар жуда кўп. Свутистон ва Тюмень, Норильск ва Петропавловск-Камчатка, Анадирь ва Мирный... Биргина кечаги кунининг ўзида Байкал-Амур магистрали қурувчилари учун — Благовещенск шаҳрига 30 тонна мева ва сабзавот юборилди.

Ҳар куни У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси, Ўзбекбирлашув биолаштмасининг тайёрлов идоралари, пойтахт областининг бошқа ихтисослаштирилган хўжаликлари етказиб бераётган бодринг, помидор, карам, олхўри, олма, кеъматлардан 40 тонналаб жўнатяпмиз.

Бу юкларни узоқ манзилларга уринтирмасдан етказиб беришда қудратли самолётлар жуда ҳам қўл келмоқда. Ана шу ойнинг бошида ҳаво трассаларида Ил—76 реактив юк ташиш янги лайнерининг пайдо бўлиши юмушимизни анча осонлаштирди. Бундай улкан ҳаво қуши бортига бир йўла 40 тонна нозу-неъматни жойлайди ва АН-12 самолётига нисбатан манзилга бирмунча тез етиб боради. Ўзбекистон далаларининг нозу-неъматларини ташиб беришда Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тюмень граждан авиацияси бошқармасининг экипажлари ҳам ҳиммат кўрсатишмоқда.

Ефим Семенович диспетчер билан боғланганда, унинг сўзини тинглагандан кейин ўрнидан турди: «Биз билан юрасиз. «аэроплан» ерга қўнибди.

«Аэроплан» авиаторларнинг муомаласида оддий сўзга айланиб қолган. Ил—76 самолёти қанчалик улкан бўлса ҳам уни шундай деб аташади. Тўрт турбинали қудратли лайнер ҳавода кўтарилганда жуда ҳам аниқ ва ишонарли парвоз қилади. Ерга қўнганда эса ажойиб қулайликлари билан таништириш мумкин.

Бу самолёт шу билан диққатга сазоворки, унга юк ортиш бир соатдан кўп вақтни талаб қилмайди. Нозу-неъматлар солинган яшчиклар тахланган махсус аравачалар механизмларнинг ёрдамида ҳаво карвонининг «бағрига» бирнисрин жойлашади. Бу ерда юкларни ортиш ва тушириб олиш ишлари замонавий ускуналар билан тўлатўкис механизациялаштирилган.

Эллик минут вақт ўтар-ўтмас, ҳамма аравачалар жойлаштириб бўлинди. Самолётнинг барча люклари ёпилди. Бир неча минутдан кейин аэродромнинг кенг майдони турбиналарнинг батанг шовқини билан тўлиб кетди. Ил—76 парвоз йўлкасида оҳиста бурилади. Унинг қанотлари оҳиста силкинади. Гўёки узоқ сафарга учиш олдидан қанотларининг мустаҳкамлигини синаб кўраётгандек. Бир нафас ўтар ўтмас самолёт Тошкент осмони устида чарх уриб, шимол томонга қараб сингиб кетди.

А. ТЮРИКОВ.

Студент бўлиш иштиёқида

Шу кунниинг интервьюси

Физик ва геолог, математик ва алоқачи, тарихчи ёки шарқшуносликни эгаллаш мақсадида студентликнинг катта оиласига қўшилиш иштиёқида юрганлар учун эртага дастлабки имтиҳон бошланади.

Олий ўқув юртларига бугунги абитуриентларнинг қанчаси қабул қилинади, минглаб йигит ва қизлар учун муҳим воқеа бўлган ана шу кунга қандай тайёргарлик кўрилди? Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги олий ўқув юртлари бошқармасининг бошлиғи Э. Қ. Қосимовга ана шу саволлар билан мурожаат қилдик.

Бу йил таълимнинг барча формаларига 31 минг, шу жумладан кундузги бўлимга 12.825 киши қабул қилинади, — дейди Эркин Қосимович.— Албатта, аризалар ғоятда кўп олинди. Уларнинг сони 101 мингдан ошади. Кимлар студент бўлишга қодир эканлигини конкурс аниқлаб беради.

Барча олий ўқув юртларида абитуриентларни қабул қилишга катта тайёргарлик ишлари олиб борилган. Ихтисослик ҳақида ҳикоя қилувчи рангли прокатлар чиқарилди. Барча ихтисосликлар бўйича ҳужжатларни бир маромда қабул қилишни бошқариш мақсадида жамоатчи қабул комиссиялари ташкил этилиб, уларнинг аъзолари ишлаб чиқаришдан келган ва Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар билан махсус консультациялар ва якка тартибда суҳбатлар ўтказишди. Кириш имтиҳонлари ва консультацияларнинг жадваллари ўз вақтида тузиб чиқилди. Бу йил ҳужжатларни қабул қилиш, имтиҳонларнинг бориши, ўқишга қабул қилинганларнинг маълумотларини қайта ишлаш учун «Абитуриент» системаси асосида бу эксперимент шу ўқув йилида ҳам давом эттирилмоқда. Унда барча олий ўқув юртлари иштирок этяпти. Тошкент автомобиль йўли институтида бу тажриба автомобиль йўли ихтисослиги бўйича кираётганлар учун қўлланилмоқда. Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг механика ва механика-технология, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ўрмон хўжалиги, халқ хўжалигининг иқтисодий кибернетика, иқтисодий ахборотларни қайта ишлашнинг механизациясини ташкил этиш, молия ва кредит, халқ хўжалигида бухгалтерлик ҳисоби, статистика факультетларининг барча ихтисосликлари бўйича қўлланилмоқда...

— Олий таълим министрлиги янги ўқув йилида қандай янги ихтисосликларни тақдим қилади?

— Ихтисосликларнинг умумий сони аввалгича қолмоқда. Ягона янгилик— Тошкент политехника институти умумий техника факультетининг Жиззах филиалида кундузги бўлимнинг очилганлигидир. Яна бир янгилик. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институтининг студентлари машғулотни янги бинода бошлайдилар. Бу бинонинг лойиҳаси ягона қилиб яратилганги учун СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасининг олтин медали билан тақдирланган.

Ишлаб чиқаришдан келган ва Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган ёшларни тайёрлов бўлимларига қабул қилиш янада кўпайганлигини янгиликлар қаторига қўшиш мумкин. Бу шу билан бирга, ишлаб чиқаришдан изоҳланадики, тайёрлов бўлимларининг тингловчилари олий ўқув юртининг шартшароитларига тез мослашадилар. ўқув йили давомида ўзлаштиришда яхши натижа берадилар.

— Бошқа республикалардаги олий ўқув юртларига бу йил ҳам кўплаб йигит ва қизлар юбориладими?

— Олий таълим министрлигининг йўли билан бу йил кириш имтиҳонларини муваффақиятли тугатган 169 ёш мамлакатимизнинг 84 олий ўқув юртига. шу жумладан Москва электротехника алоқа институти. Минск радиотехника. Ленинград ўрмон техникаси академиясига, Москвадаги Бауман номли олий техника билим юртига, Киев политехника институтига ва бошқа билим даргоҳларига юбориладилар. Улар бу шаҳарларда ички ёниш двигателлари. радио-техника. алоқа корхоналарининг машиналари ва ускуналари, ўрмон инженерлиги ишлари, металларни босим билан қайта ишлашнинг машиналари ва технологияси сингари 94 хил ихтисосликни эгаллайдилар.

— Кундузги бўлимлар учун кириш имтиҳонларида етарли балл тўплай олмаган абитуриентлар кечки ёки сиртқи бўлимларнинг студентлари бўла оладиларми?

— Ҳа, шундай. Сиртқи ва кечки бўлимларга ҳужжатларни қабул қилиш 31 августгача давом эттирилади. кириш имтиҳонлари 10 сентябргача олинади. Конкурс имтиҳонларидан ўтаолмаган ёшларни ишга жойлаштиришда барча олий ўқув юртларида ташкил этилган ишга жойлаштириш штаблари якиндан катта ёрдам берадилар. Бу штабларда шаҳарнинг зарбдор қурилишларига, саноат корхоналарига, ҳунартехника билим юртларига комсомол йўлланмалари берилади.

КОНСТИТУЦИЯГА БАҒИШЛАБ

СССР янги Конституцияси қабул этилиши мамлакатимиз сиёсий тарихида муҳим босқич бўлиб қолди. Жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатнинг ҳар бир модда ва низомини, уларнинг моҳиятини ҳар бир киши қалби ва онгига етказиш пропагандистлар, лекторлар, идеология барча ходимларининг муқаддас ишидир. «Билим» жамияти шаҳар ташкилоти Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг маданият бошқармаси билан ҳамкорликда «СССР янги Конституцияси—ҳаётимиз Асосий Қонуни» лекторийсини ташкил этди.

Дастлабки машғулотда «Билим» жамияти аъзоси Г. Денисов «КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1977 йил) Пленуми СССР янги Конституциясининг тарихий аҳамияти тўғрисида» маърузани сўзлаб берди.

СССР янги Конституциясини ўрганишга бағишланган бу янги лекторийда Конституциянинг ўзига хос асосий хусусиятлари, унинг муҳим аҳамиятга эга бўлган модда ва низомлари ҳақида «Билим» жамияти аъзоларидан М. Биркин, Л. Иконниковларнинг лекциялар ўқиши белгиланган.

КОМСОМОЛ МАКТАБИ ЎҚУВИ ТУГАДИ

Область комсомол активи мактабининг ўқуви тугади. Унинг машғулотларида 300 дан ортиқ комсомол ташкилотлари н и н г секретарлари қатнашдилар. Партия ва комсомол ходимлари тингловчилар олдида мактаб комсомолларининг вазифалари тўғрисида лекциялар ўқидилар.

Машғулотлар давомида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китоблари бўйича ўқувчилар конференцияси, ВЛКСМнинг XVIII съезди якунларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди. Ўзбекистон металлургия комбинатининг электр пўлат қуйиш цехида ўтказилган шанбаликда қатнашилди.

Тошкент области янгиликлари

▲ Чирчиқ саноат корхоналарининг «Ўнлар» ташаббусини маъқуллаган ишлаб чиқариш илғорларидан 52 киши ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этганлиги тўғрисида ғалаба рапортини беришди. Бу илғорларнинг иштиёқи бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришдан иборат.

▲ Социалистик мусобақани кенг авж олдирган «Ўзбекхимаш» заводининг коллективи Байкал-Амур магистралининг марказий участкаси қурилишига турбина машиналарининг навбатдаги партиясини белгиланган муддатдан бир ярим ой илгари жўнатди.

▲ Ангрендаги «Геологоразведка» ишлаб чиқариш экспедициясининг илғорлари автомобилларнинг двигателлари гильзасини қайта ишлаш учун махсус мосламани ишлаб чиқаришга тадбиқ этдилар.

▲ Область касаба союзлари Советида касаба союз ходимлари учун ташкил этилган доимий ҳаракатдаги семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда Тошкент область илмий-техника жамияти совети раисининг ўринбосари Г. А. Дачевич «Жамоат ташкилотларида автоматик бошқаришнинг системасига ахборот-справочник бўйича хизмат кўрсатиш» деган темада доклад қилди.

▲ Янгийўл шаҳрида меҳнаткашларнинг дам олиши учун «Ором» дам олиш зонаси ташкил этилди. Шаҳардан 8 километр нарида жойлашган бу масканда корхоналар ва ташкилотлар ўзларига тегишли участкаларда ободонлаштириш ишларини олиб бордилар. Дам олиш кунлари ишчиларни ана шу зонага марказлашган усулда ташиш ташкил этилди.



«Ҳар йили бир ой иқтисод қилинган ёнилғи ҳисобига тепловозларни бошқарамиз!»— Тошкент тепловоз депосининг бир группа илғор машинистлари беш йилликнинг бошида ана шундай ташаббус билан чиққан эдилар. Ташаббус кенг қулоч ёймоқда.

СУРАТДА: моҳир машинистлар — Ҳабибулла Исамуҳамедов, Александр Матвеев, Владимир Ефимов ва Диловар Фозилов. Уларнинг ҳар бири шу кунгача 35—40 тоннадан ёнилғи тежашга муваффақ бўлишган.

Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).

• Меҳнат семестри

Метро қурилишида янги куч

Шу кунларда Тошкент метрополитенининг иккинчи навбати станциялари қурилаётган жойларда бўлган киши метросозлар сафида студентларни ҳам кўплаб учратади. Улар темир йўл транспорти инженерлари институтининг меҳнат семестрида қатнашаётган комсомол-ёшлар д и р. Бўлғуси инженерлар учун метро қурилишида қатнашиш малака ошириш мактаби бўлмоқда.

Студентлар қурилиш отряди штабининг бошлиғи В. Ф. Бережничин гоҳо у, гоҳо бу станцияда ғайрат билан ишлаётган ёшларга бош-қош бўляпти.

— Метро қурилишида институтимизнинг 400 нафар студенти қатнашяпти. Биз меҳнат семестрида камида 330 минг сўмлик иш бажариш мажбуриятини олганмиз. Меҳнатда айниқса В. Чередников ҳамда Б. Собитов бошчилик қилаётган қурилиш отрядларининг жангчилари фидокорлик кўрсатишяпти,— дейди В. Ф. Бережничин.

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

● Социалистик экономиканинг ривожланиш манфаатлари хўжалик қурилишининг барча звеноларида юқсак масъулият ва интизомни талқозо этади. Бу биринчи навбатда партия иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг бош омили — перспектив ва жорий давлат планларининг бажарилишига тааллуқлидир. Газетанинг «План интизомини мустаҳкамлайлик» сарлавҳали бугунги бош мақоласи ана шу мавзуга бағишланган.

● КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Қримда қиска муддатли ҳордиқ чиқарган Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар 30 июлда Ватанига жўнаб кетди.

● КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Қримда дам олган Чехословакия Коммунистик партиясининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусек 30 июлда Ватанига жўнаб кетди.

● Гаванада очилган ёшлар ва студентлар XI Жаҳон фестивалининг биринчи иш куни ҳақида ҳисобот, мамлакатимиз ҳаётига оид ва чет эллардан олинган турли хабарлар эълон қилинган.

телетайп лентасидан

⊙ **СОФИЯ.** Қардош мамлакат пойтахти жамоатчилиги улуғ рус революционер-демократ, материалист философ, ёзувчи ва адабий танқидчи Н. Г. Чернишевский туғилган кунининг 150 йиллигини тантаналли вазиятда нишонлади. Тантаналли йиғилишда Болгария—Совет дўстлиги умумхалқ комитетининг раиси Н. Папазов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. Болгария Фанлар академиясининг илмий секретари. профессор М. Бичваров «Н. Г. Чернишевский ва болгар жамоатчилиги фикр» деган мавзуда доклад қилди.

⊙ **АФИНА.** Америка конгрессининг сенати Туркияга қурол-яроғ етказиб берилишини тақиқлашни бекор қилиш тўғрисида резолюция қабул қилган эди. Греция шу қарордан таассуфланганлигини билдирди. Ана шундай тақиқлаш чораси 1975 йилда турк қўшинлари Кипр территориясига киритилганидан кейин жорий этилган эди. Греция ҳукуматининг бу ерда эълон қилинган расмий баёнотида қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: сенатнинг қарори «Кипрнинг келажагига, шунингдек бу районда тинчлик ва хавфсизлик билан боғланган бошқа проблемаларни ҳал этишга жиддий таъсир ўтказиши мумкин».

⊙ **НЬЮ-ЙОРК.** БМТ Бош секретари К. Вальдхайм халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилиб, Африкадаги Лесото давлатига дарҳол иқтисодий ёрдам беришга чақирди. Бу ерда эълон қилинган докладда Жанубий Африка Республикасининг ирқчилар режими агрессия ва иқтисодий пўпписа қилиш сиёсатини ўтказаётганлиги натижасида бу мамлакат жуда катта қийинчиликларни бошидан кечираётганлиги таъкидлаб ўтилади. Ҳужжатда уқтириб ўтилишича, Лесотога молиявий ва моддий ёрдам бериш унинг миллий ривожланишига кўмаклашади, шунингдек ўз миллий суверенитетини ҳимоя қилишига ёрдам беради.

⊙ **ТОКИО.** Японияда синтетик тола ишлаб чиқарувчи энг йирик компаниялардан бири «Тайдзин» компаниясининг эгалари Нагойя ва Ивакуни корхоналарида 430 ишчи ишдан бўшатилаётганини эълон қилдилар. Компания хўжайинлари келгуси йилнинг кўкламигача яна бир ярим минг кишини ишдан бўшатмоқчилар.

(ТАСС).

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

САМАРАЛИ ЯКУН

Партия ўқуви ва иқтисодий таълим ҳамда комсомол сиёсий маорифи системасида ўтган ўқув йили якунларига бағишлаб В. И. Ленин номли электрон-техника заводи партия комитетида навбатдаги йиғилиш ўтказилди.

Унда ўқувнинг турли формаларига инженер-техник ходимлар, ишчи-хизматчиларнинг кўпчилик қисми жалб этилгани, машғулотларда мамлакатимиз ҳаётидаги катта воқеалар — СССР ва Узбекистон ССР янги Конституцияларининг қабул этилиши, Улуғ Октябрь 60 йиллиги нишонланиши тингловчиларнинг диққат-марказида бўлгани алоҳида таъкидланди. Йиғилиш ҳар бир тингловчининг, меҳнат коллективининг партия XXV съезди қарорларини бажариш юзасидан умумхалқ курашига қандай ҳисса қўшаётгани кўригига айланди.

Янги ўқув йилига тайёргарлик вазифалари ҳақида партия кабинети мудираси С. Азимова гапирди. У тажрибали пропагандистлардан В. Несвет, О. Южний, Г. Шитов ва бошқаларнинг машғулотларни қизиқарли ва мазмундор ўтказиш сирларини кенг ёйиш зарурлигига, янги ўқув йилига ҳозирлик билан боғлиқ долзарб вазифаларга батафсил тўхталиб ўтди.

МУҲИМ ОМИЛ

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети корхонада ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини янада оширишнинг муҳим омили бўлган меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масаласига жиддий эътибор бериб келмоқда. Бу борода КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йилда социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактуби асосида ишлаб чиқилган комплекс тадбирлар планига қатъий риоя қилинмоқда.

Яқинда 4-цехда ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг аҳволи муҳокама этилди. Бунинг боиси шуки, бу цех корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг учдан бир қисмини тайёрлайди. Бу эса цех маъмурияти ва партия ташкилоти зиммасига катта масъулият юклайди. Партком йиғилишида цех бошлиғи В. Терентьев ва цех партия ташкилотининг секретари Н. Павлий шаънига сўнгги вақтларда цехда ишга кеч келиш, ишчиларнинг узрсиз прогул қилишлари, ҳар бир иш дақиқаси қадрига етмаслик ҳоллари тез-тез рўй бераётгани сабабли ҳаққоний эътирозлар билдирилди.

Партком цехда ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини кучайтиришга қаратилган бир қатор конкрет тадбирлар тавсия этди.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

● МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Барча резервлар ишга солинсин

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 3-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ БИЛАН 159-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ, 11-«ВИСОТСТРОЙ» ТРЕСТИ БИЛАН 8-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ УРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА.

Биринчи ярим йиллик якунига кўра Меҳнат Қизил Байроқ ордени 159-қурилиш трести коллективи ўз мусобақадошлари бўлган 3-трест коллективини анча ортда қолдириб кетди. Бу ерда планга қўшимча деярли 1.5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Трест планда белгиланган беш объект ўрнига олти объектни ва кўплаб турар жойни «яхши» баҳо билан фойдаланишга топширди. Ҳозир кўпгина бригадалар СССР Конституцияси кунига қадар уч йиллик планни бажариш мақсадида суръатни тобора оширмоқдалар. Беш йиллик планни уддалаб қўйган Р. Гайнуллин етакчилик қилаётган бригада эса бу муҳим санага қадар олти йиллик топшириқни бажаришни кўзлаб меҳнат қиляпти.

Шунга қарамасдан бу илғор коллектив фаолиятида камчиликлар ҳам бор. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бош пудрат бўйича иш бажариш ҳажми 5 процентдан зиёдроққа камайтириб юборилди. Болалар муассасаларини бунёд этиш плани 55,7 процент бажарилди. Мактаблар қурилиши плани эса ҳаммаси бўлиб 84,9 процентга удаланди. Бунинг сабаби мактабгача болалар муассасалари ва мактаблар қурилиши фақат апрель ойидагина планга киритилганлигидадир. Шунингдек, бу объектларни қуриш мўлжалланган майдонлар ўз вақтида ҳозирланмади. Қурилишларда минорали кран ва қурилиш материалларининг етишмаслик ҳоллари содир бўлиб турди. Айни пайтда меҳнат жараёнларини ташкил қилиш ҳам талаб даражасида эмас эди. Бу ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг кескин камайишига сабаб бўлди. Бу нарсаларни жиддий камчилик деб қараб, уларни бартараф қилиш чораларини кўрмоқ лозим.

3-трест бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари планини ошириб бажарди. Аммо ўз кучлари билан иш бажариш олти ойлик планини уддалай олмади. Бунга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида йўл қўйилаётган камчиликлар сабаб бўлди. Масалан, ўтган беш ойда коллектив 891 минг сўмлик ишни бажаролмади. Трестда модий-техника таъминотининг етишмаслиги ҳоллари тез-тез содир бўлиб турди. У буюртмачидан янги объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида ололмади. Натижада Чехов кўчасида бунёд этиладиган болалар боғчаси, Сергели районидаги поликлиника ва туғруқхона, врачлар малакасини ошириш институти ва бошқа шу сингари объектларни бунёд этишга ўз вақтида киришилмади. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилишлар Бош бошқармаси ва «Главташкентстрой»нинг турар жойларни бунёд этиш бўйича ўзаро келиша олмаганликлари ҳам ишга салбий таъсир кўрсатди. (Капитал қурилишлар Бош бошқармасининг ярим йиллик плани 677 минг сўм, «Главташкентстрой»нинг плани эса 1571 минг сўмга тенг эди).

3-трест биринчи ярим йилликда ёғмой комбинатида ишга туширилиши лозим бўлган болалар боғчаси қурилишини ниҳоясига етказмади. Шунингдек, 2-Қўйлиқ массивидаги жамоат савдо маркази, химия-фармацевтика заводининг инженерлик маиший корпуси, чўткалар фабрикасидаги ошхона қурилишини ҳам ўз вақтида тугата олмади. Бу билан трест иккинчи ярим йилликда ўз олдида турган вазифани янада мураккаблаштириб олди.

* * *

Иккинчи мусобақадош коллективларга келганда уларнинг ярим йиллик планни муваффақиятли уддалаганликларини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Масалан, 11-«Висотстрой» трести 14,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Шундан 1,8 миллион сўмлиги планга қўшимча бажарилди. Трестдаги социалистик мусобақада хўжалик ҳисобидаги баланд имкониятларни бунёдкорлик этувчи участка пешқадамлик қилмоқда. Ҳозир бу участка коллективи Халқлар дўстлиги майдонидаги кино-концерт залини бунёд этяпти. Участка коллективи олти ойлик планни бош пудрат бўйича тўрт марта ошириб бажаришга ва ўз кучлари билан 3,9 марта кўп иш бажаришга муваффақ бўлди. 1, 69, 75, 76-бошқармалар ҳам графикдан анча олдинда боришяпти. Кўплаб бригадалар СССР янги Конституцияси н и н г бир йиллиги кунига қадар уч йиллик планни бажаришни кўзлаб меҳнат қиляптилар. Аммо бу трест фаолиятида ҳам камчиликлар йўқ деб бўлмайди. Жумладан, у мактаблар ва турар жойларни бунёд этишда қолоқликка йўл қўймоқда.

8-трест ҳозир бир маромда меҳнат қиляпти. Айниқса июнь ойи самарали бўлди. Шу ойда қурувчилар барча резервларни ишга солиб меҳнат унумдорлигини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уч марта кўпайтиришга эришдилар. Улар айниқса мактабларни бунёд этишда самарали ишлаб, олти объектни «яхши» баҳо билан фойдаланишга топширишди.

Аммо бу трест қурувчилари турар жой, болалар боғчалари ва яслилари, маҳаллий советларнинг объектларини бунёд этишга эътиборни кучайтиришлари лозим. Чунки биринчи ярим йилликда бу борада амалга оширилган ишларнинг ҳаммаси ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Масалан, «СтройМеханизация» трести ходимлари 6-туғруқхона қурилиши учун лозим бўлган жойни ҳозирлашга фақат июнь ойидагина киришдилар. Ҳисоб-кредит техникуми ётоқхонаси пойдеворини қуриш масаласи ҳалигача ҳал қилингани йўқ.

Қурувчилар буюртмачи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотларга оид бўлган масалаларни жуда суст ҳал қилишмоқда. Бу сусткашлик барча қурувчиларнинг ишига салбий таъсир кўрсатмаяптимикин?

1978 йил январь — июнь ойлари асосий кўрсаткичлари	Қурилиш трестлари: 3	159	11-«Висотстрой»	8
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиш процентларда				
а) бош пудрат бўйича	109,4	108,2	113,7	102,9
б) ўз кучлари билан	90,7	103,4	116,8	107,1
Иш ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)				
а) бош пудрат бўйича	104,7	94,9	86,1	117,1
б) ўз кучлари билан	84,6	101,8	113,5	123,6
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари	84,6	88,1	102,3	102,8
Меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши	86,3	92,9	107,9	126,4
Планни бажармаган бошқармалар				
а) бош пудрат бўйича	1	1	1	—
б) ўз кучлари билан	3	1	—	—
Уй-жой қурилиши планининг бажарилиши	66,0	100	40,4	84,0
Мактаблар қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	—	84,9	—	117,7
Мактабгача болалар муассасалари қурилиши планининг бажарилиши	61,3	55,7	21,2	81,4
Маҳаллий Советлар объектларини қуриш планининг бажарилиши	120,1	86,3	132,1	86,1
Ишга бошидан фойдаланишга топширилган объектлар сони	16	6	1	6
Ўртача баҳоси (балларда)	—	4,01	—	4
Бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар сони	24	25	10	14

Беш йиллик илғорлари

Ишчи номини эъзозлаб

Инсон умрини оқар дарёга ўхшатишади. Бу ҳақ гап. Киши ҳаётининг ҳар бир куни дарё сувидек оқиб ўтаверади, ортга қайтмайди. Бу ҳаёт йўлида инсон турли сўқмоқларга дуч келади. Шоир айтганидек, тақдирни қўл билан яратур одам, гоҳибдан келажак бахт бир афсона...

Жалил ака Раҳимов билан Дуся опа Нурматовалар ана шундай тақдирини, бахтини ўз қўли, ҳалол, фидокорона меҳнати билан яратган бахтиёр кишилардандир. Улар ёшлик чоғларида «Узбексельмаш» заводи остонасига қадам қўйган эдилар.

1942 йил, бўронли оғир дамлар. Мўйлаби энди сабза урган Жалил ҳунар-техника билим юртини тугатгач, «Узбексельмашга йўлланма олди. Ушоққина, лекин синчков, қобилиятли, ишчан бола тезда цех коллективи оғзига тушди. Айниқса устози, тажрибали, кекса ишчи Л. Сторожик шогирдидан мамнун эди.

Ўша даҳшатли уруш йиллари тунлари ҳам заводда қолиб, тонггача станок ёнида ишлаган пайтларини Жалил ака ҳам, ўша йиллари у билан бирга меҳнат қилган ҳамкасблари ҳам яхши эслашади.

Жалил аканинг энг яхши фазилати — ўз манфаатини ўзгалар манфаатидан юқори қўймаслигида деб биламан. Одатда чинакам олийжаноб кишилар шундай бўлади. Айни кунларда Жалил ака 5-механика-йиғув цехида кўрак чувийдиган машиналарни йиғишдаги асосий вазифаларни бажариб келяпти. У цехда биринчи бўлиб коммунистик меҳнат зарбдори шарафли номга сазовор бўлган. Шахсий беш йиллик планини уч йилда бажаришга аҳд қилган. Ҳозир 1980 йил ҳисобига меҳнат қиляпти.

Беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида цех коллективи 2800 та ўрнига 3000 тадан ортиқ кўрак чувиш машинаси ишлаб чиқаришга азму-қарор қилган. Ана шу юқори баҳоланди. Унинг кўксини Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, қатор медаллар безаб турибди. У икки марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ва қатор район, завод Фахрий ёрлиқлари билан ҳам тақдирланган.

Дарвоқе, Жалил ака бу мазмунли ҳаёт йўлини шу заводда топиш-ган турмуш ўртоғи Дуся Нурматова билан биргаликда босиб ўтганлиги ибратлидир. Дуся Нурматова ҳам Жалил ака каби 36 йил мобайнида цехдаги барча операцияларни беш қўлдек ўзлаштириб олган. Шунинг учун цехда қаерда иш оқсаб қолса, дарров ўша жойга ёрдамга чақиришади.

— Мен Жалил ака билан 26 йилдан бери бирга ишлайман,— дейди 5-цехнинг комплекс бригадаси бошлиғи Мирзоҳид Содиқов.— Бу кишининг шогирдларини санаш қийин. Ҳозирги кунда цехда меҳнат қилаётган ёшларнинг деярли ҳаммаси Жалил акадан касб ўрганган десам хато қилмайман, Раҳимов билан деярли бир пайтда завод остонасига қадам қўйган. Шундан буён токарлик, операторлик касбларида чорак аср ишлади. Айни кунларда эса, бошқарма лаборатория-сида лаборантлик қиляпти. Лабораторияда-ги сифат жонкуярлари металлар составини тўғри аниқлаб, ўтган йили 8 миллион сўмлик маҳсулотни Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Дуся опа бир неча бор шаҳар ва район Советларига депутат бўлган. Депутат сифатида ишчиларнинг турмуш фаровонлиги ҳақида қайғуриб, болалар комбинати тўртта тўрт қаватли уй, янги ошхона қурилиши тез ва соз тугалланишида жонкуярлик қилган.

— Дуся опанинг маҳалли хотин-қизларни заводга жалб қилиш, уларга касб ўргатишдаги хизматлари ҳам таҳсинга лойиқ,— дейди завод инженери Собир Усмонов.— Корхонамиздаги хотин-қизлар орасида Дуся опанинг шогирдлари ўнлаб топилади. Шулардан бири ўрта мактабни битириб, 1959 йилда заводга келган Умида Исахўжаевадир.

Умидадаги ишчиликка қизиқиш бир аланга олди-ю, аста сўна бошлади. Цехдаги шовқин, дастгоҳлар қийинчиликлар уни турли хаёллар-га олиб кетди. Буни сезган устозлари Дуся Нурматова, Вера Меркуловалар унга таскалли беришди:

— Обрў қийинчиликсиз, машаққатсиз ўзўзидан келмайди. Икки-Орадан 3— 4 ой ўтгач, разрядли ишчи бўлди. Дастгоҳки ютуқлари билан бирга касбига ҳавоси орта бошлади. Кейинчалик уни партия сафига қабул қилишди. У цехдаги илғор ишчилар сафидан ўрин олди.

Ҳозирги пайтда Умида опа фақат илғор малакали бўлиб қолмай, заводнинг актив жамоатчи аёлларидан бири. У Киров район Советининг депутати сифатида кўпгина ишларни амалга оширмоқда.

Дуся опанинг Г. Агапова, Ҳ. Тагизода, Г. Аягенова каби ҳозирги кунлик нормаларини 140 — 150 процент бажарган, коллективда яхши ҳурматга эга бўлган шогирдлари ҳам бор.

Жалил ака синглари Дуся опанинг ҳам меҳнатини партия ва ҳукуматимиз юқори баҳолади. Унинг ҳам кўксини Ленин ордени, қатор медаллар безаб турибди. Ўз бахтини корхонада ҳалол меҳнат қилиб топган эр-хотин катта коллективнинг ували-жували кишиларидан саналишади. Уларнинг олти фарзанди бор. Фарзандларнинг ҳаммаси ақллихушли, меҳнаткаш бўлиб етишишди. Улар ҳам ота-оналари сингари ишчи касбини танлашди. Ҳозир «Узбексельмаш» бирлашмасининг турли цехлари, бўлимларида фидокорона меҳнат қилиб, коллективнинг ўнинчи беш йиллик учун олган план ва мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳиссаларини қўшишяпти.

С. СУЛТОНОВ.

◆ МУСОБАҚА ҚУНДАЛИГИ

ҲАММАСИ «БЕШ» БАҲО ОЛИШДИ

Хива гилам тўқиш фабрикасида ўтказилган «сифат куни» вақтида опа-сингил Ниёзметовалар тайёрлаган гиламлар энг юқори баҳо — 5 балл билан қайд қилинди. Зиннат, Хаввоз ва Роҳат — хивалик тўқувчилар энг қадимий сулолалардан бирининг вакилларидир. Ниёзметовларнинг келини — Айман Мадраҳимова ҳам ана шуларга мансубдир. У тўқиган гилам ҳам «беш баҳо»га сазовор бўлди. Сулола вакиллари қарийб ярим асрдан буён ранг-баранг, бадиий жиҳатдан сифатли буюмлар ишлаб чиқармоқдалар. Ана шу оила аъзолари ўзаро мусобақалашмоқдалар. Уларнинг ҳар бири шахсий беш йиллик планини уч йилда бажариш юзасидан ўз зиммасига социалистик мажбурият олган. Ҳозир комсомол аъзоси Зиннат пешқадамлик қилмоқда. У ана шу маррага август ойидаёқ эришишга қарор қилган.

(ЎзТАГ).

◆ РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ҚАРОВСИЗ ХИЁБОН

Шаҳримизда баҳор фаслида ободонлаштириш ойлиги ўтказилиб кўча ва хиёбонларга минглаб дарахт кўчатлари ўтқазилди. Шунда янги цирк биноси атрофида ҳам кўркам хиёбон барпо этилиб, мактаб ўқувчилари ва ҳашарчилар ёрдамида бу ерга 2 мингдан ортиқ кўчат ўтқазилган эди. Минг афсуски, ҳозир ана шу хиёбондаги кўчатларнинг кўпчилиги сувсизликдан қуриб ётибди.

Хиёбонни айланган киши қақраётган, қуриётган кўчатлар билан саргайиб кетган ўтларни кўради. Хиёбон атрофидан сув ўтган бўлишига қарамасдан негадир бу кўчатлар ўз вақтида суғорилмаётир. Яна бунинг устига кўпинча сув ариқдан тошиб кўчада ўтаётган транспортларга қулайсизлик тугдирмоқда.

Октябрь район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари ҳашарчилар ёрдами билан барпо қилинган бу хиёбондаги кўчатларнинг ўз вақтида суғорилмаётганлиги га қандай баҳона топишар экан.

М. ҲАКИМОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИДА

БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ТОР КЎЧАДА ТОМОША»

9 июнь сонидаги юқоридаги сарлавҳали материалда Октябрь районидаги айрим серқатинов кўчаларда йўлка йўқлиги таъкид қилинган эди.

Район ижроия комитетидан олинган жавобда бу масала юзасидан чора кўрилаётгани маълум қилинган.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ЧССРда нашр этилди

ПРАГА. Прагадаги «Свобода» нашриётида босиб чиқарилган янги китоб «Мустаҳкам дўстлик ришталари» деб аталган. Бу китоб КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегациясининг ЧССРга қилган дўстона расмий визитига бағишланган.

Китобга ўртоқ Л. И. Брежневнинг, ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусаккинг, Чехословакия бошқа раҳбарларининг сўзлаган нутқлари текстлари. КПСС билан ЧКП. СССР билан ЧССР ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнот тексти, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва ЧКП Марказий Комитети Президиуми совет делегациясининг Чехословакияга қилган тарихий визити якунларини тўла-тўкис маъқуллаган қарорлари киритилган.

Китобга шунингдек, Совет Иттифоқидан борган олий мартабали меҳмонларнинг ЧССР меҳнаткашлари билан самимий учрашувларини, Л. И. Брежнев, Г. Гусак ва В. Биляк ўртоқларга совет мукофотларини топширганлигини тасвирловчи кўпдан-кўп фотосуратлар берилган.

ШАҲДАМ ОДИМЛАР

СОФИЯ. Сливен шаҳридаги «Победа» машинасозлик комбинатининг мутахассислари «Хемус» сериясида иккита янги универсал станок моделини яратдилар. Бу станоклар катта-катта деталларни ишлашга мўлжалланган. Улар гоят серунумлиги ва буюмларни пухта ишлаши билан ажралиб туради.

Бундан чорак аср илгари Болгариянинг ўзида металл қирқувчи биринчи станоклар тайёрланган-ди. Эндиликда республика ҳар хил станокларни экспорт қилувчи мамлакат бўлиб қолди. У 65 мамлакатга машинасозлик маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Станоксозлар Болгария экономикасининг барча тармоқларини реконструкциялаш ва модернизация қилишнинг ҳозирги босқичида муҳим роль ўйнайди ва улар ўз олдиларига қўйилган масъулиятли вазифаларни шараф билан адо этмоқдалар.

«РОБОТРОН» КОМПЬЮТЕРЛАРИ

БЕРЛИН. Дрездендаги «Роботрон» комбинати деярли ҳар 13 соатда битта электрон-ҳисоблаш машинасини ишлаб чиқармоқда. «Роботрон» ГДРда электрон-ҳисоблаш машиналарининг ҳар хил турларини ишлаб чиқарувчи етакчи корхонадир.

Совет Иттифоқи комбинатга энг кўп буюртма бермоқда. Бу ерда шу йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида тайёрланган «ЕС-1040» типидаги 150 та қурилманинг ярмидан кўпи СССРга юборилди. Ҳозир бу корхонада ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг эҳтиёжлари учун «ЕС-1055» ҳисоблаш машиналари яратилмоқда.

АСОСИЙ САВОЛ ЖАВОБСИЗ ҚОЛМОҚДА


ВАШИНГТОН. Америкаликлар Марс атрофи орбитаси бўйлаб учаётган планеталараро «Викинг-2» станцияси орбитал блоки станциянинг мўлжал олдириш системаси микродвигателлари учун мўлжалланган қисилган азот запаси сарфлаб бўлинганлиги туфайли Ердан берилган командага мувофиқ ҳаракат қилишдан тўхтади. Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқармаси (Нэса)нинг вакили шуни маълум қилди.

Унинг «Турдоши» «Викинг-1» каби «Викинг-2» ҳам 1975 йилда Марс томон учирилган эди. Станция орадан қарийб бир йил ўтгач, планета атрофи орбитасига чиқди, унинг қўндирилувчи блоки эса Марснинг Кутб атрофи области деб аталган жойига оҳиста қўнди. Орбитал блок планета атрофида учишни давом эттириб, ўзининг тадқиқот программасини бажараверди. Бундан бир неча ой муқаддам ундаги қисилган азот чиқиб кета бошлади. Учишни бошқариш марказидаги олимлар азотнинг чиқиб кетишини камайтира олдилар, холос. Оқибат натижада орбитал блок мўлжалдан адашди ва экспериментларни давом эттиришнинг иложи қолмади.

«Викинг-2» станциясининг орбитал блоки атмосферадаги аэродинамик тормозланиш таъсири остида планета юзасига қулаб тушмагунча Марс атрофида яна 50 йил мобайнида айланиб учиб юради, деб тахмин қилинмоқда.

«Викинг-2» станциясининг қўндирилувчи блоки, шунингдек «Викинг-1» станциясининг орбитал ва қўндирилувчи блоклари ҳамон ишлаб-моқда ва Ерга ахборот юбориб турибди. Мутахассисларнинг фикрича, бу блоклар ҳеч бўлмаганда 1979 йилнинг февраль ойигача ишлаб туради.

Америкалик олимлар «викингларнинг» аниқлаши лозим бўлган асосий саволлардан бири: Марсда бактериал ҳаёт борми ёки йўқми, деган саволга ҳануз жавоб бера олганлари йўқ.



СУРАТДА: Варшаванинг кенжа районларидан бири. Еши етти асрга тенг бўлган шаҳар учун 30 йил жуда қисқа муддат. Аммо ана шу 30 йил ичида социалистик Польшанинг пойтахти кўнка бўй чўзиб, ниҳоятда кенгайиб кетди. Ҳозирда Варшава нўёкам бинолари, соя-салқин хиёбонлари билан туристларни ҳайратда қолдиради.

ТАСС фотохроникаси.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ОСЛО. Исландияда ҳукумат танглиги давом этмоқда. Ҳукумат коалициясидаги сиёсий партиялар — Мустақиллик партияси билан Прогрессив партия июнь ойининг охирида парламентга ўтказилган сайловда мағлубиятга учраганидан кейин ҳукумат танглиги юз берган эди. Буржуа ҳукумати ўтказаётган иқтисодий сиёсатдан, шунингдек унинг ташқи сиёсатидаги баъзи жиҳатлардан сайловчиларнинг норозон эканлиги мана шунда ўз ифодасини топди.

Исландия президенти К. Эльдьяурн Исландия Социал демократик партиясининг раиси Беннедикт Гренадалга янги ҳукумат тузишни топширди.

* * *

БАҒДОД. Ироқ Бағдоддаги инглиз элчихонаси ходимларидан ўн кишини чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Мамлакатдан чиқиб кетишлари учун уларга бир ҳафталик муддат берилди.

ИНА агентлигининг хабар қилишича, «Англия ҳукумати Ироқнинг Лондондаги элчихонаси ҳамда Ироқнинг бошқа муассасалари ходимларидан бир қанча кишини ёлғон ва тутуруқсиз айбларга асосланган ҳолда чиқариб юбориб, нодўстона чоралар кўргандан» кейин Ироқ шу қарорни қабул қилди.

(ТАСС).

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ИЛЁСОВ: Ҳарбий хизматга чақирилув ёшидаги ўсмирни корхона маъмурияти асоссиз ишдан бўшатиши мумкинми? Бундай саволни йўллашимга мен меҳнат қилаётган корхона раҳбарларининг ўсмирларга нисбатан бўлган муносабатлари сабаб бўлди. Улар турли баҳона билан ўсмирларни ишдан бўшатишга ҳаракат қилишмоқда.

Жавоб: Меҳнат қонунлари Кодексида таъкидланишича корхона, ташкилот ва муассаса маъмуриятига фақат меҳнат интизомини муттасил бузаётган ўсмирнигина интизомсизлик туфайли ишдан бўшатиш ҳуқуқи берилади. Бошқа ҳолларда ҳарбий хизматга чақирилув ёшидаги ўсмир ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладиган йилда ишдан бўшатилиши мумкин эмас.

* * *

А. АКБАРОВА: Бир қанча синган чинни буюмларимиз бор. Уларни қаерда чегалатса бўлади?

Жавоб: «Сервис» фирмаси аҳолининг синган чинни буюмларини ҳам чегалаб беради. 66-29-76 телефонига қўнғироқ қилсангиз, хизмат кўрсатишнинг бу тури тўғрисида тўлароқ маълумотга эга бўласиз.

* * *

И. СОИПОВ: 1967 йилнинг март ойидан бошлаб 6-пиво заводида буғ қозонига ўт ёқувчи бўлиб ишлаб келаман. Айтинг-чи, мен неча ёшимда қанча стаж билан пенсияга чиқишим мумкин?

Жавоб: Зарарли меҳнат шароитида ишлаётган киши СССР Иттифоқи Олий Советининг 1956 йил 14 июлда давлат пенсиялари тўғрисида қабул қилган қонунига мувофиқ 20 йиллик стажга эга бўлган ҳолда 50 ёшида пенсия олиш ҳуқуқига эга.

* * *

Ш. ҒИЁСОВ: Мени «Ташкомиссионторг»нинг аҳолидан транзисторли приёмник ва магнитафонларни қабул қилиб оладиган магазинларнинг адреслари қизиқтиради.

Жавоб: Шаҳримизда «Ташкомиссионторг»нинг аҳолидан транзисторли приёмник ва магнитафонларни қабул қиладиган магазинлари бор. Булар Госпиталь бозоридаги 5, Чилонзор массивининг 5-кварталидаги 1-уйда жойлашган 6, Олой бозоридаги 14, Фарҳод ярмаркасидаги 36-магазинлардир.

КЎЧА ТАСАДДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

«Ишонмасанг қувиб ўтма». Бу сўзлар барча транспорт воситалари бортида ёзилмаган бўлса ҳам уни Тошкент кўчаларида кўриш мумкин. Чиндан ҳам машинани қувиб ўтиш қалтис бўлганлиги учун ҳайдовчидан маълум миқдорда тадбиркорлик ва маҳорат талаб қилади.

Лекин айрим ҳайдовчилар қувиб ўтиш вақтида ўзи биларчилик билан иш тутишади-да, хатога йўл қўйишади. Ана шундай қўнгилсиз ҳодисалардан бири яқинда Энгельс кўчасида бўлиб ўтди.

ЕРАЗ-762 маркали 76-03 ТНЖ номерли машинанинг ҳайдовчиси Абдуқаҳҳор Тўлаганов ана шу кўчала бораётиб, огоҳлантириш чироқчасини ёқиб бурилиш олдида турган ҳайдовчи Б. Эрматовнинг УАЗ-452 маркали 49-10 ТНП номерли машинасини уриб юборди. Тўлаганов тўқнашувнинг олдини оламан деб рулни чап томонга буриб қарма-қарши ҳаракат йўлкасига чиқиб кетди. Лекин вақт ўтган эди.

Тўқнашувда УАЗ ҳайдовчиси ва у билан келаётган икки йўловчи жароҳатланди. Ҳодиса айбдори А. Тўлаганов шикастланган инкала машинани ўз ҳисобидан ремонт қилиб беради. Унинг иши юзасидан материаллар Давлат автомобиль инспекциясининг маъмурий комиссиясига юборилди.

Алимжон ШУКУҲИЙ,
Тожикистон ССР

СЕНГА КЎНГИЛ ҚЎЁЛМАЙМАН МЕН

Ишонаман, шубҳам йўқдир, сен нақадар зебосан,
Ажаб эмас, ҳуснда сен тенгсизсан, ягонасан.
Сен маҳбубсан, сен дилбарсан, сен гўзалсан, барносан,
Сен кўзларда ёруғ нурсан, суҳбатда дурдонасан.
Аммо сенга сира кўнгил қўймайман, қўёлмайман,
Агар қўйсам, кўкрагимдан қалбим юлиб отгайман.

Бу сўзимга ҳайрон бўлма! Йўқ, йўқ, бўлмагин ҳайрон,
Менга бироз қулоқ солгин, сўзларим тингла, жонон.
Эҳтимолки, ўз бахтим-чун сени қийнарман ҳар он,
Истайсанми, оиламни этишни хонавайрон?
Билишимча, бу ишни сен ҳеч қачон хоҳламайсан,
Истар эсанг, ҳур замонда қандай нафас олгайсан?

Ноз-неъматга бой дастурхон ёнида айлаб ҳузур,
Рафиқам ва ўғил-қизим, қариндошим ҳам масрур.
Сенга боқсам, оиламиз тузи мени қилар кўр,
Шундай чорда, муҳаббатинг инкор этаман магрур,
Агар шуни сезганингда хафа бўлмасдинг асло,
Хафа бўлсанг, ҳақиқатни олам кўрмасди раво.

Истамайман пуч ният-ла сен ҳамдам бўлиб юрсанг,
Кўнгил боғлаб ҳаётимда ҳамқадам бўлиб юрсанг,
Меҳрибоним-рафиқамга доимо ғам бўлиб юрсанг,
Пайт келганда соғ танимга сен ярам бўлиб юрсанг,
Бу ёримга вафосизлик, бу ёримга хиёнат,
Ер олдида ним қилади бундан ортиқ жиноят?

Фарзандларим қувнаб юрса, қандай нўғил боғларман,
Шундан кўра, ҳаёт боғин зарпечаги бўларман.
Ўғил-қизим кўрганимда беҳад завққа тўларман,
Қўлларимдан келгунича вафодорлик қиларман.
Бунга виждон олдида мен қарздорман, қарздорман,
Жамиятга, эл-ютримга бурчдорман, ҳа, бурчдорман.

Нега, эй гул, ҳуснинг билан қалбим вайрон қиласан,
Сўнг пушаймон бўлишингни, ахир, яхши биласан.
Кел, инсоний ахлоқ ила суҳбат қилайлик чунон
Ўзингга душман дерлар ахир сўнгги пушаймон.
Биз бирга йўл ололмаймиз ишқ муҳаббат сари,
Агар олсак, бедардмиз ҳоҳу кесак сингари.

Истардимки, жоду кўзинг заррача ғам чекмасин,
Ҳусни тенгсиз сарв қоматинг ҳеч қачон букилмасин,
Ҳар бир кунинг бахт йўлида бахтга уланиб кетсин,
Гар истасанг, тўй кечаси мени ҳам таклиф этгин,
Синглим дея қўлларингни сиқиб қўлй ўша дам,
Янги келин бўлганинг-чун қадаҳ кўтарай мен ҳам.

Элга машҳур қўҳистонли диёримда яшайин,
Қурашларда соф булоқлар суви янглиғ жўшайин,
Ҳузурингда ҳайкал мисол хомуш бўлиб турайин,
Қалбимдаги сенинг ишқинг дарчасини ёпайин,
Бу ишим-чун таъна қилсанг, майли, қилавер таъна,
Сенга парво қилмагайман, умидвор бўлма яна.

Ишонавер, кун келару азиз она бўлгайсан,
Фарзандларинг эркалатиб қувончларга тўлгайсан.
Шу дамда сен ҳақиқатга ишонч ҳосил қилгайсан
Ва баридан сенга ширин туйилганин билгайсан,
Ажаб эмас, мени шунда тамом эгайсан иккор,
Уз бахтингу давронингга кулиб боққайсан такрор.

Ишонаман, шубҳам йўқдир, сен нақадар зебосан,
Ажаб эмас, ҳуснда сен тенгсизсан, ягонасан.
Сен маҳбубсан, сен дилбарсан, сен гўзалсан, барносан,
Сен кўзларда ёруғ нурсан, суҳбатда дурдонасан.
Аммо сенга сира кўнгил қўймайман, қўёлмайман,
Агар қўйсам, кўкрагимдан қалбим юлиб отгайман.

Тожикчадан Барот БОЙҚОБИЛОВ таржимаси.

XX АСР ОВОЗИ

Нина ТАТАРИНОВА.
РСФСР

ҚИЗИМГА

Оғу бўлиб туюганда
Ўзга юртнинг асали,
Елканг узра тоғдай эзса
Елғизлиқ ҳасратлари,
Шу манзара юрагингга
Бўлсин доим тасаллис
Хитоблардай, хитоблардай
Осиё шамшодлари
Япроқлари куйлаб берар
Она юрт қўшиғини,
Сени кўнка олиб учар
Бу қўшиқ қанотлари...
Нур ва соя ўйинида
Овутар ҳар дам сени
Хитоблардай, хитоблардай
Осиё шамшодлари.
Ғурбат билан видолашиб
Дарҳол тушарсан йўлга,
Ортда қолар унинг совуқ
Сукути, ҳайҳотлари.
Чорлар сени тупроғига
Қуёш сиғинган ўлка,
Хитоблардай, хитоблардай
Осиё шамшодлари!..
Машраб БОБОЕВ таржимаси.

КИТОБГА ТАЛАБ ОШМОҚДА

Урганчда «Букинист» деб аталган янги китоб магазини очилди. Область марказида ана шундай магазинининг пайдо бўлганлиги китобсеварларга ўтиб чиққан китобларини ўзига хос алмаштиришни уюштириш имконини беради.

Ҳозирги вақтда Урганчдаги магазинлар ҳар йили 600 минг сўмликдан кўпроқ китоб сотмоқда.

КОЛХОЗ КЛУБИ САҲНАСИДА

Бухоро область, Свердлов районидаги «Ўзбекистон» колхозининг клубида лирик қўшиқ, халқ рақслари ва миниатюралар кечаси бўлиб ўтди. Кечани Мукимий номидаги Тошкент драма ва музикали комедия театрининг етакчи артистларидан бир гуруппаси қишлоқ меҳнаткашлари учун тайёрлади.

Пойтахт артистлари Бухоро областининг Навоий, Кизилтепа, Пешқу ва бошқа райондаги колхоз ва совхозларининг клубларида, дала шийпонларида қурилиш майдонларида ҳам концерт бердилар.

(ЎзТАГ).



Узбек ва ҳинд киносанъати усталари ижодий ҳамкорликда «Али бобо ва қирқ қароқчи» бадиий фильмини суратга олишга киришдилар. Бу картинанинг яратилишида инкала мамлакатнинг санъатқорлари ижодий изланишлар олиб боришяпти. Ҳинд рассоми Адҳайа Бону эртадаги қаҳрамонларнинг кийимларини яратиш билан банд бўлди.

СУРАТДА: рассом Адҳайа Бону.

Ҳ. Шодиев фотоси.

Васлий ШУКШИН,
Ленин мукофоти лауреати

ҲАСРАТ

(ҲИКОЯ)

«ҲИКОЯ»

Демак мундоғ бўлди: кесам стол устида хат ётипди. Мазмунини ёзиб ўтирмайман: озгина келганини вайсапти. Муҳими мен уни нега бунақа найранг қилганини яхши биламан. Унга ҳамма сан палончи артисткага ўхшайсан, деб айтарди. Қайси артистлиги эсимда йўқ. Хўш, ўхшаса нима бўпти? У аҳмоқ бўлса тушунмайди. Ахир ман ҳам ҳеч кимга ўхшамайманми? Бироптасига ўхшарман. Лекин у ёқдан бу ёққа шох ташлаётганим йўқ-ку, у бўлса биров артистга ўхшайсан деса бас, дарров минг тусга кириб товланиб кетади. Маданий оқарту мактабгаям шунинг учун кирди — ўзи айтувди. Борди-юв, бирор кишига Гитлерга ўхшайсан дейишса у ҳовликиб дарров қўлига милтиғ олиб ҳамманини отиб ташлаши керакми? Фронтда бизда битта шунақаси бор эди: қуйиб қўйгандек Гитлернинг ўзийди. Кейин уни орқа гомонга жўнатворишди, чунки мумкинмас-да мундоқ. Йўқ, бўни нуқул шаҳарга кетгиси келувраpди. У ерда машхур бўп кетаман, мани ҳамма танийдиган бўлади дерди. Бу ахмоқлигимасми? У ўзи жудаям унақа жиннимас, пақат шу бироз ҳуснига керилади, холос. Ахир чиройлилар озмунчами!.. Ҳаммаси уйидан қочиб кетавурса... Биламан, ўша муттақам унга «сиз палончи артисткани ўзингиз» деб бошини айлантирган. У ахмоқ бўлса лаққа чўшган-қоган. Эҳ, давлат силага пул сарплаб ўқитгани, сила бўлсе энди жамиятти бўйнига минволиб хурсандсила! Давлат бўлса зарар кўриб ётипди».

Иван чўлтоқ пероли ручкасини қўйиб, ўрнидан турди-да, хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юрди. Ёзгани ўзига ёқарди. Фақат шу... давлат тўғрисидаги гап ортиқча, шекилли. У тағин жойига ўтирди, «давлат»ни ўчириб, давом этди:

Эҳ, силани қаранглар! Сила мани ким бўпти бир шофёр-да, ҳеч нарсани чушунмайди деб ўйлайсилами? Йў-ўқ, биззиям ақлимиз етади ҳаммасига! Биз ҳозир ёзаётган мана шу қўлларимиз билан довлатга пойда келтирамиз, бордиюв солишиб қолгудек бўлсам шу қўлларим билан аллакимлани бошарасини текислаб қўйишим мумкин. Ман ҳеч кимга дўқ-пўписа қилаётганим йўқ, тағин мани бировга дўқ қилди деганлари ҳам бор. Бирпаслик хурсандчилик деб ўзимга ўхшаган эркакни олдида нима деган одам бўламан? Йўқ мен одамлага ёмонликни раво кўрмайман.

Энди қаранг: у думини ликиллатиб бошқа оқкан тарапга кетворди. Шундоғми? Бу ерда эса оила вайрон. Уланн у ёқда янги оила қуришига ишонасизми? Йўқ. У одамни таниганига борйўғи бир хафта бўлди, биз бўлсак тўрт йилдан бери бирга яшардик. Хўш эндиям уни ахмоқ демасдан бўладими? Давлат бўлса унга қанча пул сарплаб ўқитиб юрибди. Қани энди уни ўқигани? Ахир уни мунақанги ёмонликка ўкитишмаган-ку. Ота-оналариниям биламан, қўшни қишлоқда яшашади, тузук одамга. Аймоқчи униям акаси офицер, истаршй лейтенант, пешқин уни ҳамма пақат мақтайди. У жанговар ва сиёсий тайёргарлик аглочиси. Хайронман кандоқ қилиб буни калласига мунақа кибир-хаво ўрнашиб колганикин? Ман нимайки қилган бўлсам уни деб қилдим. Юрак-бағримни бериб кўяган эканман. Хар сапар рейслан қайтаётганимда ҳозир уни кўраман деб юрагим ҳовликиб кетарди. Мана окибат: олдимга похол ташлаб кетди-ворди. У билан шейтонам тил топишолмасдию бир учевга йўликиб ўн минутда эс-ҳушидан айрилиптида. Тағинам унга ман чидардим. Лекин бутунлай кетворишни нима кераги бор эди? Мана шуни ҳеч чушунмайман. Сира калламга сиғмаяпти. Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин, баъзан одам хато қилади, лекин бирданига мунақа қилиб турмушни бузиш нимаси? Турмушни бузиш осон, аммо қайта тиклаш қийин. Ўзини ёши бўлса ўттизда. Мана ҳозир роса алам қиганидан шу ҳикоянн ёздим. У ёгини сўрасайиз мани ўзимни ушта ортлаётганим йўқ-ку, у бўлса биров артистга ўхшайсан деса бас, дарров минг тусга кириб товланиб кетади. Маданий оқарту мактабгаям шунинг учун кирди — ўзи айтувди. Борди-юв, бирор кишига Гитлерга ўхшайсан дейишса у ҳовликиб дарров қўлига милтиғ олиб ҳамманн отиб ташлаши керакми? Фронтда бизда битта шунақаси бор эди: қуйиб қўйгандек Гитлернинг ўзийди. Кейин уни орқа гомонга жўнатворишди, чунки мумкинмас-да мундоқ. Йўқ, бўни нуқул шаҳарга кетгиси келувраpди. У ерда машхур бўп кетаман, мани ҳамма танийдиган бўлади дерди. Бу ахмоқлигимасми? У ўзи жудаям унақа жиннимас, пақат шу бироз ҳуснига керилади, холос. Ахир чиройлилар озмунчами!.. Ҳаммаси уйидан қочиб кетавурса... Биламан, ўша муттақам унга «сиз палончи артисткани ўзингиз» деб бошини айлантирган. У ахмоқ бўлса лаққа чўшган-қоган. Эҳ, давлат силага пул сарплаб ўқитиб юрибди. Қани энди уни ўқиганн

*Қадимги қўлёзмаларни варақлаганда

ЧОР МАҚОЛА

Дидактик руҳда ёзилган (1156—1157 йилларда) ушбу асар XII асрда ўтган йирик адабиётшунос олим Низоми Арузи Самарқандий (асл исми Аҳмад ибн Умар ибн Али)нинг қаламига мансуб бўлиб, қадимда ўтган дабирлар (котиблар), олимлар, шоирлар, табиблар, шунингдек, машҳур вазирлар ҳаёт'ига оид танбиҳомиз латифалардан иборат. Асар инглиз, турк, урду ва рус тилларига ҳам таржима қилинган.

ЛАТИФАЛАР

Айтишларича, кунлардан бир куни Султон Маҳмуд Ғазнавий (998—1030) Ғазнадаги Минг чинор боғидаги қасрнинг болохонасида вазирлар, олимлар, шоирлар жамоаси билан суҳбат қуриб ўлтирганда бирдан кузи Абу Райҳон Берунийга тушиб қолибди ва унга савол ташлаоди: «Қани, айтчи, мен шу болохонанинг тўрт эшигининг қайси бири орқали ташқарига чиқиб кетишим мумкин? Фикрингни қоғозга ёз ва бирон'тамизга кўрсатмай мен ўлтирган кўрпачанинг қатига қистир».

Абу Райҳон тахтача ва бўр келтиришларини илтимос қилди, сунг оғтоонинг баландлигини ўлчади, жадвал тузди ва бир оз ўйлаб сўнг қоғозга нималарнидир ёзди ва варақни тўрт буклаб султон кўрпачасининг қатига қистириб қўйди.

Маҳмуд сўради: «Топдингми?» «Топдим», деб жавоб қилди Абу Райҳон. Лекин, Султон Маҳмуд қоғозга қарамади ҳам ва усталарни чақиртириб болохонанинг кун чиқар томондаги деворини бузиб эшик очишларини буюрди. Сўнг уша эшикдан ташқарига чиқди ва қайтиб кириб ўлтиргандан кейин кўрпача қатидаги қоғозни олиб ўқиди. Унда «тўрт эшикнинг бирон'асидан ҳам чиқмайди, балки кун чиқар тарафдаги девордан янги эшик очдирио ушандан чиқади» деб ёзилган экан. Султон хатдан хун-ойрон бўлди ва ясовулни чақиртириб «Аоу Райҳонни томга олио чиқиб ерга улоқтиринглар», — деб буюрди. Уни томдан улоқтирдилар, лекин бу воқеадан сал илгари султоннинг кўрсатмаси билан тортилган сояон устига тушди ва оирон жойи лат емади. Султоннинг амри билан уни яна болохонага олио чиқдилар. Султон унга муғомбирона боқио деди: «О, Абу Райҳон! Буни ҳам олдиндан билибмидинг?» Абу Райҳон: «Ҳа, билган эдим, султоним», деб жавоб қилди. Султон: «Буни нима билан исботлансан?»

Абу Райҳон гуломини чақиртирди ва тақвим (календар)ни олиб келишни буюрди. Тақвим келтирилгач, Абу Раиҳон унинг ўртасидан бир варақни иртиб олиб султонга узатди. Султон Маҳмуд уни ўқиб кўрди-ю, сукутга кетди. Варақда «Мени фалон куни фалон жойда баландликдан ерга улоқтириб юборадилар, лекин бирон ерим лат емай, соғу саломат қоламан», деган гап ёзилган экан.

* * *

Кунлардан бир куни халифа Маъмун (813—817) вазирлар, шайхлар, олимлар ва шоирларни ҳузурига чорлади. Шунда Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (ўрта асрда ўтган йирик энциклопедист олим, тахминан 873 йили вафот этган) шайхулисломдан тўрироққа чиқиб ўлтирди. Бунга шайхулисломнинг жаҳли чиқди ва унга қараб: «Сен аслида ғайридин бўла турио нега мусулмонлар имоми бўлган мендан ҳам тўрироққа чиқиб ўлтирдинг?» деб ўшқирди. Ал-Киндий жавоб қилди: «Мен сен билган нарсаларнинг ҳаммасини биламан, сен эса мен билган нарсалардан кўпини билмайсан».

Дарҳақиқат шайхулислом уни фақат бир мунажжим сифатида оиларди, унинг кўп илмларни билишидан хабарсиз эди. Шунинг учун ҳам у: «Ҳозир мен бир царча қоғозга бирон нарсани ёзаман, топсанг сени тан оламан», деди. Улар шарт боғлашдилар. Агар ал-Киндий унинг қоғозига нима ёзганини топгундай бўлса, унда шайхулислом заррин чопонини ва дибо салласини ечиб берадиган бўлди, акс ҳолда ал-Киндий шайхулисломга нархи бир минг динор турадиган от олиб берадиган бўлди. Шайхулисломга қоғоз-қалам келтирдилар ва у қоғозга нималарнидир ёзди ва уни буклаб халифа ўлтирган кўрпачанинг қатига қистириб қўйди. Ал-Киндий тахтача ва тупроқ келтиришларини сўради. Сўнг, тупроқни тахта устига сепиб қуёшнинг баландлигини ўлчади, юлдузларнинг ҳолатини белгилади, уларнинг ўн икки бурж билан кесишган жойини аниқлади ва жадвал тузиб олди. Сўнг халифага қараб мурожаат қилди. «О, мусулмонлар амири! Уша қоғозга: «Аввали ниҳолча бўлиб, оқибати ҳайвонга айланиб қолибди» деган гапга ўхшаш сўзлар ёзилган экан». Халифа тўшак остидан қоғозни олиб ўқиди. Унда «Мусонинг асоси» деган икки сўз ёзилган экан. Халифа ҳам, шайхулислом ҳам ал-Киндийнинг ақлу заковатига қойил қолдилар. Шайхулислом шу ернинг ўзида унга заррин чопони билан салласини ечиб берди.

Б. АҲМЕДОВ тайёрлаган.

ЧЕТ ЭЛ ФОТОКАЛЕЙДОСКОПИ



Мана бу суратда сиз Гамбургда ҳаммага маълум артист Франц Колаченни кўриб турибсиз. Уни тенги йўқ чолғучи деса бўлади. У бир йўла 12 чолғу асбобида ўйнайди.



ШВЕЦИЯ. Яқинда Стокгольм ҳайвонот боғида одатдан ташқари қоровул пайдо бўлди. Бу... ҳинд қироллари нобрасидир. Бир куни босқинчилар ҳайвонот боғининг кассасидан 2 минг долларни ўғирлаб кетишганидан сўнг боғ маъмуриятн мазкур илонни ёрдамга чақиришга мажбур бўлди.

Тахтачада «Йўл, йўқ» деб ёзилган. Чиндан ҳам бундай қоровулнинг олдидан яширинча ўтиш жуда қийин.

СУРАТДА: кобра ўз постида.

ЮПИ—ДПА—ТАСС фотоси.

КЕРАКЛИ КАСБ

Сотувчилик касби ҳамма вақт инсонларга керак бўлган. Прилавкада ишлаш — ҳар минутда кишилар билан муносабатда бўлиш, уларга малакали ҳизмат кўрсатиш, мулойим ва хушфеъл муносабатда бўлиш керак. Сотувчиликнинг энг яхши фазилати ана шундан иборат. Энг яхши сотувчи мол ҳақида харидорга характеристика беради, янгиликлар билан қизиқтиради, унинг афзалликлари ҳақида гапириб беради, энг керакли буюмни сотиб олишга ишонтира олади.

БУГУНГИ КУНДА БИЗ ЁШЛАРГА МУРОЖААТ ЭТАМИЗ!

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!



«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ РЕСПУБЛИКАДАГИ ЭНГ ЙИРИК БИЛИМ ЎЧОҚЛАРИДАН БИРИДИР. У 10 ЙИЛДАН БУЁН ИШЛАБ КЕЛМОҚДА. АНА ШУ ВАҚТ ИЧИДА ЎЗИНИНГ ЖУДА КЎП ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИГА ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА БЕРДИ.

«Шуҳрат»— СССР Халқ Хўжалиги Ютуқларн кўргазмасининг дипломантидир.

Кадрларни аъло даражада тайёрлаганлиги учун «Шуҳрат» Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва шаҳар савдо Бош бошқармасининг ёрлиқлари билан мукофотланган.

«Шуҳрат» савдо корхонаси ҳузуридаги меҳнат мактабидир. Бу ерда машғулотларни тажрибали ўқитувчилар олиб боришади. 3 ойга мўлжалланган назарий курс товаршунослик асослари, эстетика, этика, психология, совет ва меҳнат ҳуқуқи асослари ва бошқа дарслардан иборат. Назарий курслар тугаганидан кейин бевосита мактабнинг ўзида мураббийлар — катта сотувчилар, ишлаб чиқариш таълими мастерлари раҳбарлигида уч ойлик амалий практика ўтказилади. Ўқувчилар бу ерда магазинда ишлаш учун керакли меҳнат маҳоратини ва иш тажрибасини ўрганадилар.

«Шуҳрат» мактаб-магазинининг синфлари ўқув-кўргазмалари ва савдо-технология ускуналари билан жиҳозланган, бу ерда энг янги классли электрон-ҳисоблаш аппаратлари бор. Ўқувчилар савдонинг энг илғор усули — ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишлашга ўргатилади. Савдонинг бу усули харидорларнинг ҳурматига сазовор бўлган.

ЎҚУВЧИЛАР МАКТАБНИ БИТИРГАНЛАРИДАН КЕЙИН СОТУВЧИ-КОНТРОЛЕР — КАССИР ИХТИСОСЛИГИНИ ОЛАДИЛАР.

Мактаб-магазин маъмурияти ўқувчиларнинг ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришга бўлган истакларини қўллаб-қувватлайди. Ўқувчилар Тошкент Совет савдо техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимларига, кейинчалик эса Совет савдоси институтига киришни истасалар, уларга имтиёзли шароитда имконият тавсия этилади. «Шуҳрат» мактаб-магазинининг кўпгина битирувчилари ўзларининг меҳнат фаолиятини кичик сотувчиликдан бошлашган бўлиб, эндиликда, товаршунослар, инспекторлар, секцияларнинг мудирлари, магазинларнинг директорлари бўлиб ишлашмоқда.

«Шуҳрат» мактаб-магазинини битирганлар шаҳарнинг барча саноат моллари магазинларида — шу жумладан ГУМ, ЦУМ, «Чилонзор» савдо маркази, Фрунзе савдо марказида ва бошқа жойларда ишлашмоқда.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

ЎҚУВЧИЛАРГА 52 СЎМДАН 63 СЎМГАЧА СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун: ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ёки 8 синфни битирганлиги ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика (бор бўлса — меҳнат дафтарчаси), турар жойидан справка; 2 та фотосурат (6х9 см) керак.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 11-квартал, 2-уй, «Шуҳрат» мактаб-магазини. Телефон: 76-27-66.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

57-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йили учун

қуйидаги касблар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

металл бўйича токарлар, фрезерчилар, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь-механиклар, электр ускуналарини ремонт қилувчи электромонтёрлар.

Юқоридаги касблар бўйича ўқув муддати — 3 йил. Мазкур группаларга 8-синфни тамом қилган йигит ва қизлар қабул қилинади ва шу даврда улар ўрта маълумот ҳам олишади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ

Ўқувчилар ўқиш вақтида бепул кийим-кечак ва 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар. Билим юртини имтиёзли диплом билан тамом қилган ўқувчилар олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг кундузги бўлимларига ишлаб чиқариш стажисиз қабул қилинадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ

Билим юртига кирган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, соғлиги ҳақидаги справка, 3х4 см катталикдаги 6 дона фотосурат, турар жойидан справка.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Високовольтний массиви, 3-сектор, (7-поликлиника ёнида, 19-автобуснинг охирги, 4-автобуснинг «Морозов кўчаси», 13, 22-трамвайларнинг «Машғий ҳизмат кўрсатиш уйи» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

ССРР 50 ИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ БАЗАСИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

176-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ЎҚУВ ИИЛИГА

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Пресслаш ускуналарининг операторлари. Бу касбга 17 ярим ёш ва ундан катта ёшда бўлган қизлар кўпроқ қабул қилинади. Ўқиш муддати 1 йил. Стипендия тўланади. Темирчилик-пресслаш ускуналарининг созловчиси мутахассислигига 15 ва ундан катта ёшдаги кишилар қабул қилинади. Ўқиш муддати— 1 йил ва 3 йил. 1 йил муддатли группаларда таълим оладиган ўқувчиларга стипендия тўланади; металл бўйича универсал токарь, универсал фрезерчи, механика-йигув ишлари слесари, 15 ва ундан катта ёшдаги кишилар қабул қилинадилар. Ўқиш муддати— 1 йил ва 3 йил; слесарь-асбобсоз, электр-газ пайвандчи (дипломли), қурилмаларни созловчи (юқори кучланишдаги ток бўйича), электромонтер-электрослесарь, гальваник-автоматик линияларининг операторн, агрегатли, махсус, тиш очувчи ва резба очувчи станокларнинг созловчиси, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, Ўқиш муддати— 3 йил; электр пайвандчи, 17 ярим ёшдагилар қабул қилинадилар; электр кўприк кранларининг машинисти, 17 ярим ёшдаги қизлар кўпроқ қабул қилинадилар. Ўқиш муддати— 1 йил. Стипендия тўланади. Слесарь-йигувчи ихтисослиги билан синовчи-тракторчи.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, махсус кийим-оош билан таъминланадилар. Зарур бўлганларга ётоқхонадан секция типидаги жой берилади.

Ўқувчиларга ўқиш даврида ишлаб чиқариш практикаси жараёнида ишланган иш ҳақининг бир қисми тўланади.

Билим юртини тугатганлар тўлиқ ўрта маълумот ва касб тўғрисидаги диплом оладилар, олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналар, стадион, спорт зали, сузиш, ҳовузи ва яхши жиҳозланган барча қулайликлари бўлган секция типидаги ётоқхона бор. 8 тўгарак ва 11 та секция ишлайди. Бундан ташқари эстрада, духовой ва миллий чолғу ансамбли бор, ёзги каникул даврида дам олиш учун Чимён районида спорт-соғломлаштириш лагери ишлайди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: директор номига ёзилган ариза, автобиография, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги аттестат, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар, 6 та фотосурат (3х4 см.), характеристика.

Аризалар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кириш истагида бўлган кишилар ҳужжатларини қуйидаги адресга юборишларини сўраймиз. 700177, Тошкент шаҳри— 177, «Ташавтомаш—1» массиви (1, 1«э», 24, 16, 73-автобусларнинг «Трактор заводи» бекати).

КИНО

1 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Эй, бахтли инсон!** (10.45, 13.30, 16.15, 19.00).

Парвоздаги турна — «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 16, 18, 20, 21.30), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17, 19, 20.00), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «НУКУС» (11, 13.30, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Интерьердаги онлавий портрет — «ДРУЖБА» (12, 15, 18, 20.30), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ номли (11.15, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.00), «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Уйинчоқ — «ДРУЖБА» (11, 13, 14.30, 17, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11.15, 16, 19, 21.00).

ЁЗГИ БИНОДА

(соат 20.50 ва 22.30 да бошланади)

Парвоздаги турна — «ФЕСТИВАЛЬ».

Интерьердаги онлавий портрет — «ХИВА».

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

2 АВГУСТ СОАТ 19.30 ДА

СССР биринчилиги учун «ТОРПЕДО» (Москва) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

31 ИЮЛЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ёшлар ва студентларнинг Гаванадаги XI жаҳон фестивалида». 19.20 «Учинчи йил — зарбдор йил». 20.05 «Андрей Колобов». Телевизион спектакль премьераси. Автор — Н. Мирошниченко. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 22.35 «И. Архипова концертлари». 3-кўрсатув. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Туманний оролидан келган қалдирғоч». Болалар учун телефильм. 18.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ пионер сўзи». 18.55 «Хоразмнинг юксак «оқ олтин» кирмони учун!». Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, «Ўзбекистон маданияти» газета редакцияси ва Ўзбекистон телевидениеси нинг биргаликдаги рейди. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Тошкент халқ филармониясининг «Яшлек» ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 20.05 «Севги ҳақида сонетлар». Варот Бойқобулов шеърлари асосида телекомпозиция. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиосн солистларининг концерти. Программада ўзбек классик қўшиқлари. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Нигит бўлиб туғилмайди киши». Телевизион ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 22.15 М. Шатров. «Эртанги ташвиш». Телевизион спектакль премьераси. 00.15 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Вертикаль». Бадиий фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 «Ҳаммаси менинг ўғилларим». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 «Янги урф-одатлар— турмушга». 21.30 «Классик куй саҳифалари». 22.10 «Йўл устидаги учрашув». Телевизион бадиий фильм (рус.).

1 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Цирк — болаларга». 10.35 Н. Мирошниченко. «Андрей Колобов». Телевизион спектакль. 12.00 Совет қўшиқларидан концерт. Ленинградан олиб кўрсатилади. 15.00 «Мехнатинг — инқилоинг». Кинопрограмма. 16.00 «Е. Шварц ижоди». 16.45 Болалар учун қисқа метражли бадиий фильмлар программаси: «Эмильбекнинг ёзи», «Унутилмас кун», «Қишлоқ таътиллари».

18.00 «Шимолга командировка». Телевизион очерк. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ёшлар ва студентларнинг Гаванадаги XI жаҳон фестивалида». 19.30 «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й). Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Қишлоқлар учун кадрлар ҳақида ғамхўрлик». Рязань область Сапожков 1-қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг директори Н. М. Нефедов сўзи. 19.45 Н. Паганини. Скрипка ва оркестр ижроси учун ёзилган 1-концерт. 20.25 Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ўтказилган кенгашнинг 3 йиллигига. «Сенга тинч ҳаёт, Европа». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивалида». Сиёсий қўшиқлар концерти. Гаванадан олиб кўрсатилади. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Мишук». Болалар учун телевизион бадиий фильм (рус.). 12.05 «Н. Тихонов» «Замонлар ва йўллар». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.45 «Онтарио соҳилида бўлган воқеа». Бадиий фильм. 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Уч банан». Болалар учун мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак». 18.45 «Идеология ва ҳаёт». Тележурнал 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Қушлар нималар ҳақида куйлайди». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 19.50 «Ёзувчи ижодхонасида» Ҳамид Ғулом. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Қалбим ардоги». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Август — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой» 22.15 «Николай Бауман». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Нристон ўғли». Бадиий фильм. 20.30 «Виктор Копачинский чалади». Телевизион фильм-концерт. 20.50 Тошкент янгиликлари. 21.10 «Ёр ва эл». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. «Терек қумликларида», «Вертолетчилар». «Ширвани ғаймамиров» 21.50 «Киноактриса Лидия Смирнова». Фильм-портрет (рус.).

● Спорт-техника клубларида

МЕҲР ВА ҒАМХЎРЛИК

Дунёда касб кўп. Уларнинг ҳар бири узига яраша меҳр, сабот, чидам, билим талаб қилади. Ҳайдовчилик юзаки қараганда осондек туюлади. Аслини олганда эса бу касбни эгаллаш учун чуқур билим, қунт ва иродага эга бўлиш лозим. Гўзал шаҳримизнинг кенг, чиройли кўчалари бўйлаб енгил автомобилларни усталик билан бошқариб бораётган кишиларни кўрганда ҳаммамиз ҳам ана шу ҳайдовчидек усталик билан руль бошқаришни орзу қилиб қоламиз.

Қизил Байроқ орденли армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи Бутуниттифоқ кўнгилли жамиятининг Октябрь район спорт-техника клубида ўз ишини пухта биладиган, ҳалол меҳнати билан совет халқининг турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган мутахассисларни тайёрлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилляпти. Замонавий техника воситалари, кўргазмали қуроллар, ҳаракатланувчи стендлар билан жиҳозланган синфларда машғулотлар бўлади. Хонада ўтирганлар орасида 18 ёшли ўсмирларни ҳам, 60 ёшли кексаларни ҳам учратиш мумкин. Уларга малакали мутахассислар дарс беришади.

Спорт-техника клубида учинчи классли ҳайдовчилар тайёрланади. Айни пайтда бу ерда малака ошириш курслари ҳам ишлаб турибди. Ғамхўр ўқитувчилар ва мутахассислар ёрдамида ёшлар ҳарбий спорт сирларини ҳам ўрганишга муваффақ бўлишяпти. Ҳар йили техника клуби қошидаги тўгаракларда касб эгаллаб гувоҳнома олишга муваффақ бўлган кишилар халқ хўжалигининг турли тармоқларига бориб ишга жойлашишяпти. Шунингдек, мотоцикл спорти, кертинг бўйича разрядли спортчилар бўлиб етишмоқдалар.

Йўлдош Мавлоновни тингловчилар ҳамиша ҳурмат билан тилга олишади. Чунки у касб сирларини ёшларга пухта ўргатиш билан бирга уларнинг ғайрат-шижоатларини фойдали ишларга йўналтиришга эришади. Жумладан, бевосита шу кишининг жонкуярлиги ва ғамхўрлиги туфайли тингловчилар машина қисмларининг ҳаракатланувчи моделларини яратишга муваффақ бўлишди.

Энвер Жеппаров, Виктор Мокшин сингари ўқитувчилар ҳам назарий дарсларни ўтаётганларида кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланиб тингловчиларнинг билимларини пухта бўлишига эришмоқдалар. Давлат автомобиль инспекцияси қошидаги имтиҳон комиссиясининг бошлиги, милиция майори Анвар Мадаминов амалий кўникмаларнинг пухта бўлишини синчиклаб кузатиб боряпти. Шу боисдан ҳам спорт-техника клубидаги шофёрлар курсини битираётганлар техника воситаларини ҳайдашни мукаммал ўзлаштиришга эришяптилар.

Бу ишда Болтабой Холматов, Муҳитдин Раҳимов сингари ўқитувчиларнинг ҳам хизматлари бор. Улар ёшларга амалий машғулотлар бўйича кўникма ҳосил қилишга раҳбарлик қилишяпти.

Октябрь район спорт-техника клуби коллективи қўлга киритаётган муваффақиятлар йилдан-йилга бойиб бормоқда. 1977 йилда бу коллектив СССР ДОСААФ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган эди. Ҳозир бу ерда муваффақиятларни кўпайтириш учун изланиш давом этмоқда.

Ш. УБАЕВА,

Октябрь район ДОСААФ комитети қошидаги спорт-техника клуби бошлиғининг ўринбосари.



Шаҳримиздаги «Восток» стадионида район ЖЭКларининг ўсмирлар ва қизлар командалари ўртасида чим устида хоккей бўйича дастлабки биринчилиги бўлиб ўтди.

СУРАТДА: Куйбишев ва Чилонзор районлари хоккейчиларининг учрашуви. Бу ўйинда қўйбишевликлар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Р. Альбеков фотоси.

☆ АЖОИБ ТОПИЛДИҚ

КЎҲНА ГУМБАЗ СИРЛАРИ

Бухоро шаҳрининг ўрта асрга мансуб Токи саррафонни (пул майдаловчилар растаси) тиклаётган тошкентлик археологлар билан бухоролик реставраторлар XI асрда Бухорода зарб қилинган тангалар билан сопол идиш-асбоб намуналарини топдилар. Токи саррафон XVI асрда қурилганлиги кўрсатилган бўлсада, янги топилмалар олимларга илк бор бундай иншоот бу ерда X асрда қурилиб, ёнғинда куйиб кетган деган хулоса чиқаришга кўмак берди. Мутахассисларнинг фикрича, тахминан 100 йил кейин гумбаз яна тикланган мўғул босқинчиларига қарши жанглар чоғида вайрон бўлган. Ҳозирги кунларга қадар етиб келгани учинчи бор қурилган гумбаздир.

(ЎзТАГ).

Редактор

С. М. КАРОМАТОВ.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

31 ИЮЛЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва қўқук —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва... хирбий ватанпар варлиқ ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р. 03495.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.

Натр Д—1369.